

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ
ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУФИ

**ШНҚ 2.09.03-23 «ОМБОРХОНАЛАР. ЛОЙИХАЛАШ МЕЬЁРЛАРИ» ШАҲАРСОЗЛИК
НОРМАЛАРИ ВА ҚОИДАЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА**

**[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2023 йил 7 декабрда ҳисобга
олинди, ҳисоб рақами 221]**

Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодекси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 6 октябрдаги 577-сон «Қурилиш соҳасига оид талабларни соддалаштириш ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларни тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ буораман:

1. ШНҚ 2.09.03-23 «Омборхоналар. Лойиҳалаш меъёрлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 1998 йил 4 мартағи 21-сон бўйруғи билан тасдиқланган ҚМҚ 2.09.06-98 «Ёғоч материаллари омборлари. Ёнғиндан сақлаш лойиҳалаш меъёрлари» қурилиш меъёрлари ва қоидалари;

Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раисининг 2009 йил 18 сентябрдаги 97-сон бўйруғи билан тасдиқланган ШНҚ 2.09.12-09 «Омбор бинолари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари.

3. Мазкур бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси билан келишилган.

4. Ушбу бўйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Вазир Б. ЗАКИРОВ

Тошкент ш.,
2023 йил 10 ноябрь,
368-сон

Келишилди:

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазири А. КУЛДАШЕВ

2023 йил 20 октябрь

**Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим
ўзгариши вазири А. АБДУХАКИМОВ**

2023 йил 21 октябрь

**Санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги қўмитаси раиси Б.
ЮСУПАЛИЕВ**

2023 йил 27 октябрь

Ўзбекистон Республикаси қурилиш ва
уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг
2023 йил 10 ноябрдаги 368-сон
буйругига
ИЛОВА

ШНҚ 2.09.03-23 «Омборхоналар. Лойиҳалаш меъёрлари» шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари

Мазкур шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари (бундан буён матнда ШНҚ деб юритилади) намлик даражаси назорат қилинадиган, айвон туридаги, ёғоч ва ёғоч материалларни (ёғоч-тахта, думалоқ ёғочлар, майда ёғоч, катронланган ёғоч, ўтин, пайраҳалар, қипиқлар ва чиқинди ёғочлар) сақлаш омборларини, шунингдек омборларнинг умумий мақсадларда фойдаланиладиган қўшимча хоналари ва биноларини лойиҳалаш ҳамда уларни реконструкция қилишга оид бўлган талабларни белгилайди.

Ушбу ШНҚда белгиланган талаблар енгил аллангаланувчи ва ёнувчи суюқликлар, ўқдорилар, хавфли чиқиндилар, қуруқ минерал ўғитлар, кимёвий воситалар, радиоактив, кучли таъсир қилувчи заҳарли моддалар, ёнувчан газлар, 70 kPa (0.7 kgf/cm²) босим остида бўлган ёнмайдиган газлар, нефть ва нефть маҳсулотлари, каучук, целлULOид, ёнувчан пластмасса, киноплёнка, цемент, пахта, ун, комбикорм, жун, тери ва тери маҳсулотлари, дон, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари сақланадиган ҳамда совутгич омборларига нисбатан татбиқ этилмайди.

1-боб. Шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга ҳаволалар

1. Мазкур ШНҚда қуидаги шаҳарсозлик нормалари ва қоидалари, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативлари ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив хужжатларга ҳаволалар қўлланилган:

ШНҚ 2.07.01-03 «Шаҳарсозлик. Шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари худудларини ривожлантириш ва қурилишини режалаштириш»;

ШНҚ 2.07.04-19 «Қишлоқ хўжалиги корхоналари худудларини архитектура-режалаштиришни ташкил қилиш»;

ШНҚ 2.08.02-09 «Жамоат бинолари ва иншоотлари»;

ШНҚ 2.09.02-19 «Саноат бинолари»;

ШНҚ 2.09.04-09 «Корхоналарнинг маъмурий ва майший бинолари»;

ШНҚ 2.07.02-22 «Қурилиш обьектларини ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда кексалар эҳтиёжини инобатга олган ҳолда лойиҳалаштириш»;

ШНҚ 2.01.02-04 «Бинолар ва иншоотларнинг ёнгин хавфсизлиги»;

ШНҚ 2.01.19-22 «Портлаб-ёниш ва ёнгин хавфи бўлган хоналар, бино ва иншоотлар ҳамда ташки қурилмалар тоифаларини аниқлаш»;

ШНҚ 2.01.01-22 «Лойиҳалаш учун иқлимий ва физикавий-геологик маълумотлар»;

ҚМҚ 2.01.03-19 «Сейсмик худудларда қурилиш»;

ҚМҚ 2.01.05-19 «Табиий ва сунъий ёритиши»;

ШНҚ 2.04.09-07 «Бино ва иншоотларнинг ёнгин автоматикаси»;

ҚМҚ 2.04.05-97 «Иситиш, шамоллатиш ва кондициялаш»;

ҚМҚ 2.03.13-19 «Поллар»;

ҚМҚ 2.03.10-19 «Том ва том қопламалар»;

ҚМҚ 2.05.01-19 «Темир йўл излари 1520 mm. Лойиҳалаш меъёрлари»;

ШНҚ 2.09.21-22 «Ёнгин-қутқарув деполари ва постлари»;

ҚМҚ 3.03.01-98 «Юк кўтарувчи ва тўсувчи конструкциялар»;

ҚМҚ 2.04.16-18 «Күёшли иссиқ сув таъминоти қурилмалари»;

ШНҚ 2.04.15-22 «Фотоэлектрик станциялар (тизимлар)»;

ҚМК 2.04.02-19 «Сув таъминоти, ташқи тармоқлар ва иншоотлар»;

ҚМК 2.05.06-97 «Магистрал қувурўтказгичлар»;

ГОСТ 9078-84 «Ясси таглик. Умумий техник шартлар» (расмий манба: Поддоны плоские. Общие технические условия) ;

ГОСТ 9029-95 «Комбинациялашган ёнғин ўчириш лафет дастаклари. Техник шартлар (расмий манба: Стволы пожарные лафетные комбинированные. Технические условия)»;

СанҚвАН 0027-22 «Умумий овқатланиш корхоналарига қўйиладиган санитария-гигиена талаблари»;

СанҚвАН 0350-17 «Аҳоли яшаш жойлари атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишининг санитария нормалари ва қоидалари».

2-боб. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ШНҚда қўйидаги атамалар ва уларнинг таърифлари қўлланилган:

мобил бино — конструкцияси бир жойдан иккинчи жойга кўчиришга имкон берувчи ҳамда заводдан комплект ҳолда етказиб бериладиган вақтинчалик бино ёки иншоот;

платформа — икки томондан келиш йўллари ташкил этилган (бир томондан темир йўлга туташиши мумкин) юклаш ва юкни тушириш учун мўлжалланган иншоот;

док — бинонинг юк машиналари ёки темир йўл вагонлари учун юклаш ва юкни туширишга мўлжалланган қисми;

рампа — бир томондан омбор биносига, иккинчи томондан автомобиль келиш йўлига ёки темир йўлига туташиган ҳамда юклаш ва юкни тушириш учун мўлжалланган иншоот;

техник қават — бинонинг муҳандислик ускуналарини жойлаштириш учун мўлжалланган қават;

стеллаж — омборда юкларни сақлаш учун қўлланиладиган, металл устунлар, тўсинлар ва кўндаланг балкалар, ёки балкаларга қотирилган кўп қувватли тўшамалар (токчалар)дан иборат бўлган маҳсус қурилма;

штабель — ёғоч материалларининг текис тахланган қатори.

3-боб. Умумий қоидалар

3. Омбор биноларини жойлаштириш СанҚвАН 0350-17 ҳамда ШНҚ 2.07.01-03да белгиланган талабларга мувофиқ асосан оширилиши лозим.

4. Қишлоқ ҳўжалик корхонаси худудидаги омбор биноларини лойиҳалаш ҚМК 2.07.04-19да белгиланган талабларга асосан амалга оширилиши керак.

5. Сейсмик худудларда жойлашган омбор биноларини лойиҳалаш ҚМК 2.01.03-19да белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши зарур.

6. Ишлаб чиқариш биноларидаги омборхоналарни ШНҚ 2.09.02-19да белгиланган талабларга асосан лойиҳалаш лозим.

7. Ишлаб чиқариш биноларида иш жараёнида сарфланадиган материалларнинг (хомашё, яримфабрикат) миқдори тўғрисидаги маълумот лойиҳа топшириғида келтирилмаган бўйса, ушбу материалларнинг ишлаб чиқариш биносида сақланадиган миқдори бир ишчи смена давомида сарфланадиган миқдордан кўп бўлмаслиги керак.

8. Омбор биноларининг маъмурий ва майший хоналари ШНҚ 2.09.04-09да белгиланган талабларга мувофиқ лойиҳаланиши керак.

9. Жисмоний имконияти чекланган ва ногиронлиги бўлган шахсларнинг меҳнатидан фойдаланиши мумкин бўлган омбор бинолари ва уларнинг хоналарининг блокларини лойиҳалашда ШНҚ 2.07.02-22да белгиланган талабларни ҳисобга олиш лозим.

10. Биноларда омборхоналарни жойлаштириш, уларни бир-биридан ёнғинга қарши тўсиқлар (деворлар, пардадеворлар) билан ажратиш, эвакуация йўлларини ўрнатиш, зинапоя катакларини, тамбур-шлюзларни, тутунни чиқариш мосламаларини, бинонинг ташқарисига ва томига чиқиш жойларини ўрнатиш ШНҚ 2.01.02-04, ШНҚ 2.01.19-22 ва ҚМК 2.04.05-97да белгиланган талабларга асосан амалга оширилиши керак.

11. Омбор биноларининг томлари ва том қопламалари ҚМК 2.03.10-19да белгиланган талабларга мувофиқ лойиҳаланиши лозим.

12. Омбор биноси учун қўйиладиган талаблар омборнинг вазифасига мувофиқ белгиланиши лозим.

4-боб. Омборларнинг ҳажмий-режавий ва конструктив ечимлариға қўйиладиган талаблар

13. Омбор биноларининг ҳажмий-режавий ва конструктив ечимларини танлаш мазкур ШНҚ ҳамда ШНҚ 2.07.01-03, ШНҚ 2.01.01-22, ШНҚ 2.01.19-22, ҚМҚ 3.03.01-98 ва ШНҚ 2.01.02-04да белгиланган талабларга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

14. Омбор биноси ичидаги устунлар орасидаги масофа камида 6 м ва ундан ката қилиб лойихаланиши лозим, бунда омбор майдонидан максимал даражада самарали фойдаланиш учун устунлар орасидаги масофа 12 — 15 м оралиғида қабул қилиниши мумкин.

15. Омбор биносининг умумий ва қурилиш ҳажмини ҳисоблаш ШНҚ 2.09.02-19да белгиланган талабларга асосан амалга оширилиши керак.

16. Омбор биносидаги сақлаш хоналари, экспедиция, юкларни қабул қилиш, саралаш ва комплектлаш хоналари ҳамда маъмурий, майший ва бошқа хоналарни бирлаштириш (агар бундай бирлаштириш технологик, санитария-гигиена ва ёнғинга қарши хавфсизлик талабларига зид бўлмаса) мумкин.

17. Мухандислик, энергетик, санитария-техника жиҳозларини асосий бинога қўшиб қурилган ёки қўшимча қурилма қўринишида қурилган биноларда, антресолларда, стеллажларда ёки очик майдонларда (зарур бўлганда айвонлар, тўсуви конструкциялар қўлланилади) жойлаштириш мумкин.

18. Энергетик ва санитария-техника ускуналарини очик майдончаларда жойлаштиришга рухсат этилади, бунда юкларни сақлаш ва экспедициялаш майдони мухандислик ускуналари билан банд қилинмаслиги зарур.

19. Одамлар доимий ўтиб турадиган жойларда ва эвакуация йўлларида пол сатҳидан конструкцияларнинг тагигача ҳамда муҳандислик коммуникациялари ва ускуналарнинг бўртиб турадиган элементларигача бўлган баландлик камида 2 м бўлиши лозим.

20. Техник жиҳатдан асосланган ҳолларда бир қаватли омбор биноларида стеллаж конструкцияларини (устунлар ва тўсинлар) томёпма устунлари ҳамда ташки деворларнинг тўсуви конструкцияларини маҳкамлашда қўллаш мумкин.

21. Омборхоналарнинг транспорт воситалари ҳаракатланадиган жойларида устунлар, дераза ва эшик ўрниларининг қирралари механик шикастланишлардан ҳимояланган бўлиши ҳамда даракловчи ранглар ва хавфсизлик белгилари билан жиҳозланган бўлиши зарур.

22. Озиқ-овқат маҳсулотларига тегиб турадиган стеллажлар ва юзалар СанҚвАН 0027-22даги қўллашга рухсат этилган материаллардан тайёрланиши лозим.

23. Омбор биносининг озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун мўлжалланган хоналаридаги пол қопламаларида қатронли мастикалардан фойдаланиш мумкин эмас.

24. Омборлардаги пол асослари ва қопламалари учун қўлланиладиган конструкциялар ва материаллар омбордаги ишларни бажариш технологияси, шунингдек ҚМҚ 2.03.13-19да белгиланган талабларга мувофиқ танланиши, бунда омборда сақланадиган юкларнинг оғирлиги, механик таъсирлар, пол юзасидан юрадиган транспорт воситасининг оғирлиги ҳисобга олиниши лозим.

25. Омборнинг дарвозалари, ёруғлик ўтказувчи шифтлари, ташки ёнғин зиналари, томга чиқиш жойлари, парапетлар, дераза ва ёруғлик шифтларини тозалаш ҳамда таъмирлаш учун мосламаларни ўрнатишда ШНҚ 2.09.02-19 талабларига риоя этилиши керак.

26. Омборда ишлатиладиган транспорт воситаларининг ҳаракатланиши учун пандусларнинг кенглиги юклangan транспорт воситасининг кенглигидан камида 0.6 м га энлироқ бўлиши лозим.

27. Хоналар ичидаги пандусларнинг нишаблиги 16 фоиздан, бино ташқарисидаги пандусларнинг нишаблиги 10 фоиздан юқори бўлмаслиги керак.

28. Юклаш ва юкни тушириш учун рампалар ва платформалар омбордаги ишларни бажариш технологияси ва ШНҚ 2.09.02-19 талабларига мувофиқ лойихаланиши, бунда рампалар ва платформаларда камида иккита зина ёки пандус бўлиши зарур.

29. Автоюклагичлардан фойдаланилганда, рампа ва платформанинг эни 4.5 м дан кичик бўлмаслиги, уларнинг узунлиги транспорт воситасининг ўлчамига тўғри келадиган юклаш зонаси узунлиги бўйича белгиланиши лозим.

30. Юклаш ва юкни тушириш рампалари ва платформаларининг кўндаланг нишаблиги 1 фоизга тенг бўлиши керак.

31. Автомобиль транспорти учун юклаш ва юкни тушириш рампасининг автомобиль келиш томонидаги сатҳи йўлнинг қатнов қисми ёки юклаш ва юкни тушириш майдончаси сатҳидан 1.2 м баландликда бўлиши лозим.

32. Рампа ва платформалар устидаги айвонларнинг конструкциялари омбордаги ишларни бажариш технологияси ва ШНҚ 2.09.02-19 талабларига мувофиқ бўлиши, бунда улар ёнмайдиган материаллардан тайёрланиши зарур.

33. Рампа ёки платформа чети бўйлаб айвонларнинг таянч устунлари орасидаги масофалар қўйидагича бўлиши керак:

автомобиль рампалари ва платформалари учун камида 6 м;

темир йўл рампа ва платформалари учун камида 12 м.

34. Автомобиль рампалари ва платформалари устидаги айвон рампа четидан автомобиль ўтиш йўлига камида 1.5 м гача, темир йўл юклаш ва юк тушириш рампалари устидаги айвон темир йўл ўқига камида 0.5 м гача чиқиб туриши зарур.

35. Омбор тарҳини ва йўлакларини лойиҳалашда, юкларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириб ўтиш йўлларида транспорт воситасининг эркин харакатланишга халақит берадиган тўсиқлар (устунлар, тўсинлар, сатҳ фарқлари) бўлмаслиги керак.

36. Омборнинг сифимидан самарали фойдаланиш учун унинг биносини лойиҳалашда юкларнинг қадоқлаш ва ташиш ўлчамлари ҳисобга олиниши лозим.

37. Хавфли материаллар сақланадиган омборларда юкларни сақлаш баландлиги 7620 мм дан ошмаслиги керак.

38. Юкларни тахлаш баландлигини белгилашда устма-уст тахланган юкларнинг оғирлиги, полнинг юк кўтариш қобилияти ҳисобга олиниши, бунда санчқили автоюклагич кўтара оладиган масофагача бўлган палет стеллажларининг баландлиги мазкур ШНҚнинг 1-иловасига мувофиқ белгиланиши зарур.

39. Бензин, дизель ёки пропан ёқилгисида ишлайдиган автоюклагичларга ёқилғи қўйиш омбор биноси ташқарисида амалга оширилиши, бунда бензин ёки дизелда ишлайдиган автоюклагичлар учун ёқилғи қўйиш жойида тасодифан тўкилган ёқилгининг ёйилиб кетишини олдини олувчи «тўғонча» бўлиши керак.

40. Палетларда сақланадиган юкларни хавфсиз сақлаш учун палет стеллажлари ГОСТ 9078-84да белгиланган ўлчамларга асосланган ҳолда лойиҳаланиши, ушбу ГОСТга мувофиқ бўлмаган ўлчамдаги палетлар сақланадиган омбор режаси палет стеллажларининг ўлчамлари ва санчқили автоюклагичларнинг турига (икки қаторли палет стеллажлари, консолли токчалар, ичидан санчқили автоюклагич ўтадиган палет стеллажлари тизими, сирпантириб юловчи санчқили автоюклагичлар, санчқиси узаядиган юклагичлар ва бошқалар) мувофиқ бўлиши зарур.

41. Ўлчамлари кичик бўлган, юклаш ва ташишда техника талаб қилинмайдиган, кўлда тахланадиган юклар учун омборда токчалар ва қутилар ўрнатилиши мумкин.

42. Ёрдамчи хоналарнинг ўлчамлари ва майдонлари мазкур ШНҚнинг 2-иловасида келтирилган талаблар бўйича лойиҳаланилиши керак.

43. Юкларни қабул қилиш ва чиқариш оғисининг тарҳига мисол мазкур ШНҚнинг 3-иловасида келтирилган.

5-боб. Юклаш ва юкни тушириш докларини лойиҳалашга қўйиладиган талаблар

44. Юклаш ва юкни тушириш учун платформа ҳамда рампаларнинг лойиҳа ечимларини белгилашда КМК 2.05.01-19да белгиланган талабларга риоя қилиниши зарур.

45. Омборларнинг юклаш ва юкни тушириш докларида транспорт воситалари манёврлаш жойларининг ўлчамларига мисол мазкур ШНҚнинг 4-иловасидаги 1-расмда келтирилган. Шунингдек, бино бурчаклари ва док қисмларининг транспорт воситаси

урилишидан ҳимоялаш учун бетон билан тўлдирилган қувурдан ясалган устунчалари Ушбу ШНҚнинг 4-иловасининг 2-расмida келтирилган ўлчамларга мувофиқ лойиҳаланилиши керак.

46. Докда хавфсизлик техникаси талабларига мувофиқ бўлган ҳамда мазкур ШНҚнинг 6-иловасидаги 2-расмда кўрсатилган ҳимоя воситалари ва йиқилишдан ҳимояловчи тўсиқлар бўлиши лозим.

47. Юклаш ва юкни тушириш докининг юк машинаси ўлчамига боғлиқ бўлган баландликлари мазкур ШНҚнинг 5-иловасида келтирилган ўлчамларга мувофиқ бўлиши керак.

48. Юк машинасини докга туташтириш мақсадида туташтирувчи қурилмадан фойдаланиш мумкин, бунда туташтирувчи қурилманинг схемаси ушбу ШНҚнинг 7-иловасидаги 1-расмда келтирилган.

49. Юк машиналари учун юклаш ва юкни тушириш докининг кўрсаткичлари мазкур ШНҚнинг 7-иловасидаги 1 — 3-расмларда келтирилган ўлчамларга мос равишда олиниши мумкин.

50. Докда ўлчамлари юк машина ўлчамларига мос бўлган дарвозалар ҳамда нишаблиги бинодан тескари тарафга қараган док майдончаси бўлиши лозим, бунда уларнинг ўлчамларига мисол ушбу ШНҚнинг 6-иловасидаги 4-расмда келтирилган.

51. Барча ташқи таянч устунларида ҳимоя тўсиқлари бўлиши зарур.

52. Рельсли платформаларнинг охирида ва омборнинг юк машиналар учун мўлжалланган битта эшигига транспорт воситаси кириши учун нишаблиги 10 фоиздан катта бўлмаган рампалар бўлиши керак.

53. Омборларда (иситиладиган, ҳавоси мўтадиллаштириладиган ва ҳавоси қурук бўладиган) док ва платформани об-ҳаво таъсиридан ҳимоялаш мақсадида ёпиш учун док чодири ёки эшик зичлагичи бўлиши, шунингдек барча докларда ёғингарчиликдан тўсиш учун докнинг бутун эни бўйлаб соябон ва ёмғир сувларини чиқариб юборувчи дренаж тизимиға уланган тарновлар ўрнатилиши лозим.

Док соябонининг схемаси мазкур ШНҚнинг 7-иловасидаги 2-расмда келтирилган.

6-боб. Иситиш, шамоллатиш ва кондициялаш тизими

54. Омбор бинолари ва хоналарининг иситиш, вентиляция ва кондиционерлаш тизимлари ШНҚ 2.09.02-19, ҚМҚ 2.04.05-97, ШНҚ 2.08.02-09да келтирилган талабларни ҳисобга олган ҳолда лойиҳаланилиши лозим.

55. Омбор биноларидаги жамоат ва маъмурий ҳамда майший мақсадларда фойдаланиладиган хоналардаги ҳарорат ва ҳавонинг нисбий намлиги ШНҚ 2.08.02-09да белгиланган талаблар бўйича қабул қилиниши лозим.

56. Омборларда маҳаллий иситиш мосламаларига эга бўлган сувли иситиш тизимлари бўлиши, шунингдек ҚМҚ 2.04.05-97га мувофиқ бошқа иситиш тизимлари қўлланилиши мумкин.

57. Омборларда 1 h ичида камида бир марта ҳаво алмашинувини таъминлайдиган табиий умумий шамоллатиш (вентиляция) бўлиши, бунда заарли моддалар ажралиб чиқиши ёки ўткир ва ёқимсиз ҳидлар чиқиши мумкин бўлган омборхоналарда ҚМҚ 2.04.05-97га мувофиқ сунъий равишда ишга тушириладиган вентиляция тизими бўлиши лозим.

58. Омборда бензин, дизель ёки пропан ёқилғисида ишлайдиган юклагичлардан фойдаланиш режалаштирилган бўлса, омборнинг шамоллатиш ва/ёки иқлим назорат тизимини лойиҳалашда омборда ишлайдиган автоюклагичлар сони ва уларнинг омбор ичида ишлаш вақти давомийлиги ҳисобга олиниши керак.

59. Табиий шамоллатиш тизими юкларни сақлаш технологияга мувофиқ белгиланган кўрсаткичларни таъминлай олмаса, омборхоналарда сунъий шамоллатиш тизими лойиҳаланиши лозим.

60. Омборда электр токидан қувватланадиган механизмларни қувватлаш учун маҳсус жиҳозланган ва табиий ёки сунъий шамоллатиш тизимиға эга бўлган хона лойиҳаланилиши лозим.

61. Хўжалик ва майший эҳтиёжлар учун қўшимча равишда ҚМҚ 2.04.16-18 ва ШНҚ 2.04.15-22да келтирилган талабларга мувофиқ қуёш иссиқлиги, сув таъминоти қурилмалари ва фотоэлектрик станциялар ўрнатилиши мумкин.

7-боб. Ёнғин хавфсизлиги талаблари

1-§. Омборлар учун умумий талаблар

62. Омбор биноси ёки хонасининг портлаш ва ёнғин хавфи бўйича тоифаси ШНҚ 2.01.19-22да келтирилган талабларга мувофиқ белгиланиши лозим.

63. Бинолар орасидаги ёнғин хавфсизлиги бўйича ажратиш масофалари ШНҚ 2.01.02-04да белгиланган талабларга мувофиқ бўлиши керак.

64. Ёрдамчи хоналар хавфли материалларни сақлаш хоналаридан 2 h га мўлжалланган оловбардош деворлар билан, ёнувчан ва алангаланувчан материаллар сақланадиган хоналардан 4 h га мўлжалланган оловбардош девор билан ажратилган бўлиши, бунда ёрдамчи хоналар ва хавфли материалларни сақлаш хоналари орасида тўғридан-тўғри ўтиш жойлари бўлмаслиги керак.

65. Портлаш хавфи бўлган тоифага кирувчи омбор биноларининг ташқи тўсувчи конструкциялари портлаш содир бўлганда осон ажралиб тушадиган қилиб лойиҳаланиши лозим.

66. Омбор биноларининг оловбардошлилик даражаси, бино баландлиги, қаватлар сони ва ёнғин бўлинмаси чегараларидағи қават майдони мазкур ШНҚнинг 8-иловасидаги жадвалга мувофиқ қабул қилиниши зарур.

67. Туташ қаватларнинг ораёпмаларида очик технологик туйнуклар мавжуд бўлса, ушбу қаватларнинг майдонлари мазкур ШНҚнинг 8-иловасидаги жадвалда кўрсатилган қават майдонидан катта бўлмаслиги керак.

68. Омборнинг хоналарини автоматик ёнғин ўчириш мосламалари билан жиҳозлашда мазкур ШНҚнинг 8-иловасидаги жадвалда кўрсатилган қават майдонларини 100 фоизга ошириш мумкин (оловбардошлилик даражаси IV ва ёнғин хавфи бўйича барча синфларга мансуб бинолар бундан мустасно).

69. Бинонинг биринчи қават ораёпмасини оловбардошлик даражаси REI 150 1-турда бўлса, кўп қаватли бино биринчи қаватининг майдонини бир қаватли бино учун қўлланиладиган талаблар бўйича қабул қилиш мумкин.

70. Б ва В тоифага мансуб бўлган кўп қаватли омбор бинолари 60 m дан катта бўлмаган кенглика дарахтларни охшашлантириши керак.

71. Юклар баланд стеллажларда сақланадиган В тоифага мансуб бўлган омбор биноларининг томёпмасида тутунни чиқариш учун ҳаво тортиш шахталари ёки фонарлар ўрнатилиши ва СО синфли ва оловбардошлилик даражаси I — III бўлган бир қаватли бино сифатида лойиҳаланиши лозим.

72. Стеллажларда ёнмайдиган материаллардан қурилган ва баландлик бўйлаб 4 m дан катта бўлмаган экранлар бўлиши, бунда экранлар стеллажнинг тўлиқ горизонтал кесимини ва жуфтланган стеллажлар орасидаги тирқишиларни ёпиши ҳамда юклаш ва юкни тушириш ишлари учун тўсиқ ҳосил қилмаслиги керак.

73. Идишлар (тара) ва тагликларнинг (поддон) экранлари ва тубларида диаметри 10 mm бўлган ва бир текис жойлашган тешиклар бўлиши лозим.

74. Стеллажларда ҳар 40 m да баландлиги камида 2 m ва кенглиги камида 1.5 m бўлган кўндаланг ўтиш йўллари бўлиши, бунда стеллажлар олдидаги ўтиш йўллари стеллаж конструкцияларидан ёнғинга қарши пардадеворлар билан ажратилиши ҳамда стеллажларнинг кўндаланг ўтиш йўллари ўрнатилган жойлардаги ташқи деворларда эшик ўринлари бўлиши керак.

75. Стеллажлар орасидаги ўтиш йўлларининг тепасида тутунни чиқариб юбориш учун ҳаво тортиш шахталари (люклар) ўрнатилиши лозим.

76. Стеллажларнинг қувурсимон шаклдаги юк кўтарувчи конструкцияларини мустаҳкамлиги етарли бўлса, улар орқали оловни ўчирувчи моддаларни юбориш учун фойдаланиш мумкин.

B1-B3 тоифасидаги ишлаб чиқариш биноларининг омборхоналарини бошқа хоналардан оловбардошлиқ даражаси 1-тур EI 45 бўлган пардадеворлар ҳамда оловбардошлиқ даражаси 3-тур REI 45 бўлган ораёпмалар (омбор тагидан ва устидан) билан, маҳсулотлар баланд стеллажларда сақланганда оловбардошлиқ даражаси 1-тур REI 150 бўлган девор ва оловбардошлиқ даражаси 1-тур REI 150 бўлган ораёпмалар билан ажратилиши керак.

Ишлаб чиқариш бинолари ичida тайёр маҳсулотларни сақлаш учун мўлжалланган B1-B3 тоифадаги омборхоналар ташқи деворлар яқинида жойлаштирилиши лозим.

77. Омборхонада ва қўшимча хоналардаги дераза майдонлари ёнғин вақтида тутунни чиқариб юбориш бўйича бажарилган ҳисобларда аниқланадиган майдондан кам бўлмаслиги, бунда ушбу ҳисоблар ҚМҚ 2.04.05-97 ва ҚМҚ 2.01.05-19да келтирилган талабларга мувофиқ бажарилиши лозим.

Омборхоналарда дераза ўрнатилмаслиги мумкин, бунда ҚМҚ 2.04.05да келтирилган талабларга мувофиқ тутунни чиқариб юбориш шахталари бўлиши керак.

78. Омбор биносининг автоматик ёнғин ўчириш қурилмаси ва ёнғин сигнализацияси тизимлари ШНҚ 2.01.02-04 талабларига мувофиқ лойиҳаланиши керак.

79. Куйидаги турдаги юклар сақланадиган омборхоналар автоматик ёнғин ўчириш мосламалари билан жиҳозланиши лозим:

1) 1000 m^2 ва ундан ортиқ майдонни эгаллаган ёнувчан юклар ёки 1500 m^2 ва ундан ортиқ майдонни эгаллаган ёнувчан қадоқдаги ёнмайдиган юклар;

2) 700 m^2 ва ундан ортиқ майдонга эга бўлган ертўла ва цоколь қаватларида жойлашган ёнмайдиган юклар ёки ёнувчан қадоқдаги ёнмайдиган юклар;

3) жун маҳсулотлари.

Шунингдек, ёнувчан ёки ёнадиган қадоқдаги ёнмайдиган юклар сақланадиган баландлиги 5.5 m ва ундан ортиқ бўлган стеллажлар автоматик ёнғин ўчириш мосламалари билан жиҳозланиши зарур.

80. Ёнғин автоматикаси мосламаларини ШНҚ 2.04.09-07га мувофиқ лойиҳалаш керак.

81. Стеллажлар (штабеллар, сақлаш жойлари) орасидаги ўтиш йўллари тўсиқсиз бўлиши, бунда стеллажлар (штабеллар, сақлаш жойлари) орасида кенглиги камида 1 m бўлган йўлаклар, майдони 300 m^2 дан ортиқ бўлган омборхоналарда эса девор билан стеллажлар (штабеллар, сақлаш жойлари) орасида қўшимча равишда 0.8 m йўлаклар қолдирилиши лозим.

2-§. Ёғоч материаллар омборлари учун умумий талаблар

82. Очиқ турдаги ёғоч материаллар омборларида омбор тўсиғидан ёғоч материаллар штабеллари ва уюмларигача бўлган масофа 15 m дан кам бўлмаслиги, бунда штабель ва уюмларнинг баландлиги 15 m дан юқори бўлса, ушбу масофа штабель ва уюмнинг баландлигидан кам бўлмаслиги керак.

83. Штабеллар учун ажратилган жойлар қум, грунт ёки шағал билан камида $0,15 \text{ m}$ қалинликда қопланиши лозим.

84. Ёғоч материаллар омбори ҳудуди баландлиги камида 2 m бўлган тўсиқ билан ўралган бўлиши керак.

85. Ёғоч материаллар омборларида ёнғин-күтқарув деполари ва постлари ШНҚ 2.09.21-22 талабларига мувофиқ жойлаштирилиши зарур.

86. Ёнғин ускуналарини сақлаш учун ёнғин ўчириш гидрантлари билан колонкалар ўрнатилган жойларда узунлиги камида 200 m ва хизмат радиуси 200 m дан катта бўлмаган шланг билан жиҳозланган постлар бўлиши керак.

87. Электр узатиш линияларини ёғоч материалларнинг штабеллари ва уюмлари устидан ўтказиб лойиҳалаш мумкин эмас.

88. Ёғоч материаллар омборларида яшиндан ҳимоя тизими бўлиши лозим.

89. Очиқ турдаги ёғоч материаллар омборларидан бинолар ва иншоотларгача, шунингдек бошқа омборларгача бўлган масофалар омбордаги ёғочларнинг зич кубометри

10000 м³ гача бўлганда ШНҚ 2.09.21-21га мувофиқ ҳисобланиши, 10000 м³ дан ортиқ бўлганда мазкур ШНҚнинг 9-иловасига мувофиқ белгиланиши зарур.

90. Ёғоч омборларига туташган бинолар омбордан ёнфинга қарши тўсиқлар билан ҳимояланмаган бўлса, ушбу бинолар автоматик ёнгин ўчириш тизими билан жиҳозланган бўлиши керак.

91. Ёғоч материаллар омборлари худудида штабель ёки уюм гурухларининг узунлиги бўйлаб ёнгин-кутқарув автомобиллари харакатланиши учун кенглиги камидаги 6 м бўлган йўллар лойиҳаланиши, бунда штабель ёки уюм гурухининг кенглиги 18 м гача бўлса, ушбу йўллар штабел ёки уюм гурухининг бир томонидан, 18 м дан ортиқ бўлса, унинг икки томонидан ўтказилиши лозим.

92. Ёғоч материаллар омбори худудидаги кўприклар ёнмайдиган материаллардан қурилиши зарур.

3-§. Очиқ турдаги ёғоч-тахта омборлари

93. Ёғоч-тахта материаллар очик ҳолда сақланганида улар мустаҳкам штабелларга ажратилиши ҳамда ҳар бир штабелнинг баландлиги 6 м дан, ҳажми эса 4000 м³ дан ошмаслиги керак.

94. Ёғоч-тахта материалларнинг штабеллари гурухлари майдони 1200 м² дан ошмаслиги лозим.

95. Штабель гурухлари камидаги 30 м кенгликдаги бўйлама ва кўндаланг йўллар ёрдамида ажратилиши керак.

96. Штабель гурухи тўпламининг майдони 1 ha дан, кенглиги 100 м дан ошмаслиги лозим.

97. Штабель гурухлари тўпламлари орасидаги ёнфинга қарши масофа қўйидагича бўлиши керак:

штабелларнинг баландлиги 7 м гача бўлса, 40 м;

штабелларнинг баландлиги 7 м дан 10 м гача бўлса, 50 м;

штабелларнинг баландлиги 10 м дан 12 м гача бўлса, 60 м.

98. Ёғоч-тахта омборларида тўпламларнинг умумий майдони 9 ha дан катта бўлса, омборни 9 ha дан катта бўлмаган қисмларга ажратувчи ва кенглиги 100 м бўлган ёнфинга қарши зоналар лойиҳаланиши лозим.

4-§. Очиқ турдаги думалоқ ёғоч омборлари

99. Думалоқ ёғочларнинг штабель гурухлари майдони 0.45 ha дан, ҳар бир штабель гурухнинг кенглиги 50 м дан, гурух тўпламининг кенглиги 100 м дан ошмаслиги керак.

100. Тўпламдаги штабель гурухлари бир-биридан бўйламасига кенглиги 20 м дан ва кўндалангига 10 м дан кам бўлмаган ўтиш йўллари билан ажратилиши лозим.

101. Штабель гурухлари тўпламининг майдони 1 ha дан ошмаслиги керак.

102. Штабель гурухлари тўпламлари орасидаги масофалар қўйидагича бўлиши керак:

штабелларнинг баландлиги 8 м гача бўлса, 30 м;

штабелларнинг баландлиги 8 м дан 10 м гача бўлса, 40 м;

штабелларнинг баландлиги 10 м 12 м гача бўлса, 50 м.

103. Думалоқ ёғоч омборларида тўпламларнинг умумий майдони 18 ha дан катта бўлса, омборни 18 ha дан катта бўлмаган қисмларга ажратувчи ва кенглиги 70 м бўлган ёнфинга қарши зоналар лойиҳаланиши лозим.

104. Думалоқ ёғоч уюмларни тўплаш майдонларида уюмнинг ўлчамлари қўйидагича бўлиши керак:

узунлиги камидаги 150 м;

эни камидаги 90 м;

баландлиги камидаги 6 м.

5-§. Очиқ турдаги майда ёғоч, қатронланган ёғоч ва ўтин омборлари

105. Тархда түфри бурчак шаклидаги майда ёғоч, қатронланган ёғоч ва ўтинларнинг уюmlари орасида масофа қуидагича бўлиши зарур:

бўйламасига камида 30 m;

кўндалангига камида 20 m.

Тархда думалоқ шаклдаги уюmlар орасидаги масофа камида 20 m бўлиши керак.

106. Уюм тўпламларининг майдони 1 ha дан катта бўлмаслиги лозим.

107. Уюм тўпламлари орасидаги масофалар қуидагича лойихаланиши керак:

тўпламдаги уюмнинг йифинди зич кубометри 500000 m^3 гача бўлса — 50 m;

уюмнинг зич кубометри 500000 m^3 дан ортиқ бўлса — 100 m.

6-§. Очиқ турдаги пайраҳалар, қипиқлар, пўстлоқлар ва ёғоч чиқиндилари омборлари

108. Тархда түфри бурчак шаклидаги пайраҳалар, қипиқлар, пўстлоқлар ва ёғоч чиқиндилари уюmlари орасидаги масофа қуидагича бўлиши зарур:

бўйламасига камида 40 m;

кўндалангига камида 30 m.

Тархда думалоқ шаклдаги уюmlар орасидаги масофа камида 30 m бўлиши керак.

109. Пайраҳалар, қипиқлар, пўстлоқлар ва ёғоч чиқиндилар уюmlари тўпламининг майдони 1 ha дан ошмаслиги керак.

110. Уюmlар тўпламлари орасидаги масофалар қуидагича лойихаланиши керак:

тўпламдаги уюмларнинг йифинди зич кубометри 500000 m^3 гача бўлса — 50 m;

500000 m^3 дан катта бўлса — 70 m.

111. Пайраҳалар, қипиқлар, пўстлоқлар ва ёғоч чиқиндиларни сақлаш уюmlарининг ўлчамлари қуидагича бўлиши лозим:

баландлиги камида 18 m;

энни камида 90 m;

узунлиги камида 150 m.

7-§. Ёпиқ турдаги ёғоч-тахта омборлари

112. Ёпиқ турдаги ёғоч-тахта омборлари ёғоч-тахта тўпламининг периметри бўйлаб жойлаштирилиши, ёпиқ турдаги омборлардан ёғоч-тахта штабелигача бўлган масофалар қуидагича лойихаланиши керак:

оловбардошлиқ даражаси I ва II бўлган биноларгача — 15 m;

оловбардошлиқ даражаси III бўлган биноларгача — 20 m;

оловбардошлиқ даражаси III ва IV бўлган биноларгача — 25 m;

оловбардошлиқ даражаси IV ва V бўлган биноларгача — 30 m.

113. Ёғоч-тахта штабель гурухининг майдони 180 m^2 дан, штабель баландлиги 5.5 m дан катта бўлмаслиги лозим.

114. Ёғоч-тахта омбори биносининг майдони 500 m^2 ва ундан ортиқ бўлса, бино автоматик ёнгин ўчиргич қурилмалари билан, 500 m^2 дан кичик бўлса, автоматик ёнгин сигнализацияси билан жиҳозланиши керак.

8-§. Ёнгинга қарши сув таъминоти

115. Ёғоч материаллар омборлари учун ёнгинга қарши сув таъминоти тизимини лойихалашда мазкур параграфда келтирилган талаблар ҳисобга олиниш лозим.

116. Зич кубометри 10000 m^3 гача бўлган очиқ ва ёпиқ турдаги ёғоч материаллар омборларида паст босимли ёнгинга қарши сув қувури, зич кубометри 10000 m^3 дан катта бўлган омборларда юқори босимли ёнгинга қарши сув қувури лойихаланиши зарур.

117. Очиқ турдаги ёғоч материаллар омборларида ёнгинни ўчиришга кетадиган сув сарфи ушбу ШНҚнинг 10-иловасидаги жадвалда келтирилган қийматларга мувофиқ белгиланиши керак.

118. Ёнгин ўчириш учун талаб этиладиган сув сарфи 150 дан 180 l/s гача бўлганда ёнгинга қарши сув қувури бир вақтнинг ўзида учта лафет дастакларини ишлашини, талаб этилган сув сарфи 180 l/s ва ундан катта бўлганда тўртта лафет дастакларини ишлашини таъминлаши лозим.

119. Ёнгин гидрантлардан ёғоч материаллар штабеллари ва уюмларининг асосларигача бўлган масофа 8 м дан кам бўлмаслиги ҳамда гидрантларга ўтиш йўли лойиҳаланиши керак.

120. Омбор худудида сифими камида 500 m³ бўлган ёнгинга қарши резервуарлар ёки сув ҳавзалири ШНҚ 2.04.02-19да келтирилган талабларга мувофиқ жойлаштирилиши зарур.

121. Омбор табиий ёки сунъий сув манбайнинг қирғоғи бўйлаб жойлаштирилганда, қирғоқ чизигида ҳар 200 м да қирғоқ чизигига олиб келувчи ёнгин ўчириш автомобиллари учун йўллар ва ўлчамлари камида 12x24 м ли майдончалар лойиҳаланиши лозим.

122. Таркибида ёнгин ўчириш насослари бўлган насос станцияси ёғоч материаллар штабеллари ва уюмлари асосидан камида 40 м масофада жойлаштирилиши керак.

123. Ёнгин ўчириш лафет дастакларининг турлари ГОСТ 9029-95 бўйича танланиши зарур.

124. Ёнгин ўчиришга талаб этиладиган сув сарфи 45 l/s дан кўп бўлса, стационар лафет қурилмалари ўрнатилиши лозим.

125. Стационар лафет дастакларининг сони ва уларни жойлашуви ёғоч материаллар штабели ёки уюмининг ҳар бир нуктасига камида иккита лафет дастагидан сув сепиш шартидан келиб чиқиб белгиланиши керак.

126. Лафет дастаклари учларининг диаметри камида 38 mm бўлиши лозим.

127. Стационар лафет дастакларини юқори босимли сув қувури тармоғига улашда иккита жўмрак лойиҳаланиши, бунда биттаси асосий сув қувуридан тармоқланиш жойида ва иккинчиси бевосита лафет дастаги олдида ўрнатилиши зарур.

Ёнгинга қарши кўчма насосларни улаш учун лафет дастакларининг вертикал қувурлари тескари клапанлар ҳамда диаметри 80 mm бўлган уланиш каллаклари билан жиҳозланиши керак.

128. Кўлда бошқариладиган жўмраклар лафет дастакларидан 20 м дан ката бўлмаган масофада ўрнатилиши, бунда ушбу масофа 20 м дан катта бўлса, бевосита лафет дастагининг ўзидан масофада бошқариладиган жўмраклар ўрнатилиши лозим.

Лафет дастагининг вертикал қувуридан сувни чиқариб юбориш учун диаметри камида 50 mm бўлган назорат-чиқариш жўмраги кўзда тутилиши зарур.

129. Лафет дастагига асосий сув қувурига уланувчи тақсимловчи қувур диаметри дастак орқали ўтадиган сув сарфига боғлиқ равища ҳисобланиши, шунингдек 100 mm дан кичик бўлмаслиги керак.

130. Лафет дастакларини ёғоч материалларнинг штабеллари ёки уюмлари асосидан камида 15 m масофада маҳсус лафет минораларда ёки тагликларда ўрнатиш лозим.

Лафет минораларнинг баландлиги ёғоч материалларнинг штабеллари ёки уюмларининг баландлиги, қиялик бурчаклари ва лафет дастакларидан штабель ёки уюм асосларигача бўлган масофаларга боғлиқ ҳолда график усулда аниқланиши лозим.


131. Лафет миноралари ёнмайдиган материаллардан қурилиши, бунда лафет дастакларини ўрнатиш учун майдончаларнинг тарҳдаги ўлчами камида 2.5 x 2.5 m ёки радиуси камида 1.5 m бўлиши ҳамда баландлиги 1.2 m бўлган тўсик билан тўсилган бўлиши керак.

132. Лафет минораларига металл нарвонлар ўрнатилиши, ушбу нарвонларнинг иккала томонида ёнмайдиган материаллардан қурилган ёнгинга қарши экранлар бўлиши лозим.

133. Лафет дастакларини бинонинг оловбардошлилик даражаси II бўлган қопламаларига ўрнатиш мумкин, бунда лафет дастакларига ўтиш учун зина катагидан томга чиқиш жойи ёки ташқи металл нарвон лойиҳаланиши лозим.

ШНҚ 2.09.03-23 «Омборхоналар.
Лойиҳалаш меъёrlари» шаҳарсозлиқ
нормалари ва қоидаларига
1-ИЛОВА

Палетларни қўп қаватли тарзда жойлаштиришда вертикал ва горизонтал ўлчамлар




Ёрдамчи хоналар учун тавсия этиладиган майдонлар


Хона номи	Хона узунлиги (m)	Хона кенглиги (m)	Хона майдони (m²)
Ёпиқ турдаги (алоҳида хоналар) офис хоналари			
Омбор бошқарувчисининг хонаси	6.1	4.9	29.7
Кадрлар бўлими хонаси	4.3	3.7	15.6
Очиқ турдаги (умумий хонада жойлашган) офис жойлари			
Менежерлар жойи	3.7	3.7	13.4
Менеджер ёрдамчилари жойи	3.0	2.4	7.4
Бухгалтерия ходимлари жойи	1.5	2.1	3.3
Инвентаризация қилиш жойи	1.5	2.1	3.3
Харидлар бўлими ходимлари жойи	1.8	2.4	4.5
Омбордаги иш жараёнларини бошқарувчи ходимлар жойи	1.8	1.8	3.3
Учрашувлар жойи	3.0	3.0	9.3
Интервью қилиш жойи	2.4	2.4	5.9
Программистлар жойи	2.4	2.4	5.9
Очиқ турдаги ёрдамчи хизматлар хоналари			
Файлларни сақлаш жойи	0.3	1.5	0.5
Ресепшин учун жой	9.1	6.1	55.7
Асосий йўлаклар учун ажратилган жойлар	-	-	-
Иккиламчи йўлаклар учун ажратилган жойлар	-	-	-
Ёпиқ турдаги ёрдамчи хизматлар хоналари			
Почта хонаси	7.6	3.7	27.9
Хожатхоналар*	7.3	2.4	17.8
Фаррош жихозларини сақлаш хонаси*	1.8	1.2	2.2
Кийим жавонлари хонаси*	3.0	0.6	1.8
Таъминот хонаси*	5.5	3.7	20.1
Конференция зали	7.6	6.1	46.5
Овқатланиш хонаси*	18.3	6.1	111.5
Тиббий ёрдам хонаси	4.9	3.7	17.8

* Изоҳ:омборхонада лойиҳаланиши шарт бўлган алоҳида хоналар, уларнинг майдонлари тавсиявий
хусусиятга эга.

ШНҚ 2.09.03-23 «Омборхоналар.
Лойиҳалаш меъёrlари» шаҳарсозлиқ
нормалари ва қоидаларига
3-ИЛОВА




1-расм. Юкларни қабул қилиш оғисининг тарҳдаги қўринишига мисол.




2-расм. Юкларни чиқариш офисининг тарҳдаги кўринишига мисол.

ШНҚ 2.09.03-23 «Омборхоналар.
Лойиҳалаш меъёrlари» шаҳарсозлиқ
нормалари ва қоидаларига
4-ИЛОВА



1-расм. Юк машинаси учун док майдончасининг функционал ўлчамлари. Тарҳдаги кўриниши.



2-расм. Юк машинаси урилишидан бинони ҳимоялаш қурилмалари. Тарҳдаги кўриниши.

Турли юк машиналари учун док баландликлари

Юк машинаси тури	Док остонаси баландлиги (mm)		Юк машинасининг умумий баландлик (mm)		Докнинг баландлиги (mm)	Туташтирувчи қурилманинг узунлиги (m)
	мин	макс	мин	макс		
Контейнерли юк машинаси	1420	1570	3710	4110	1320	1.8 — 3.0
Рефрижераторли юк машинаси	1270	1520	3810	4110	1320	1.8 — 2.4
Борт платформали юк машинаси (1)	1220	1520	-	-	1320	1.8 — 3.7
Икки ўқли яримприцеп (2)	1170	1420	3660	4110	1220	1.8 — 2.4
Тўғри яримприцеп (2)	1120	1320	3660	4110	1220	2.4
Шаҳар ичидаги юк етказиб берувчи юк машинаси	1070	1220	3350	3810	1220	1.8 — 2.4
Бортли юк машинаси	1070	1220	-	-	1220	1.8 — 2.4
Баланд фургон	810	960	3960	4110	1220	2.4 — 3.7
Мебель ташувчи фургон (3)	610	910	3960	4110	1090	2.4
Мультистоп фургон (3)	510	760	2590	3050	760	1.8 — 3.0
Панелли юк машинаси (3)	510	610	2440	2740	760	2.4 — 3.0
Паст трейлерли юк машинаси (3)	510	610	-	-	760	2.4 — 3.0
Ёпик вагон (4)	1040	1120	-	-	760	1.8
Рефрижераторли вагон (4)	1170	1320	-	-	1120	1.5 — 1.8

Изоҳ:


(1) док баландлиги 1220 — 1320 mm оралиғида;

(2) док баландлиги (1270 mm), агар факат яримприцепларга хизмат кўрсатса;


(3) 760 mm док номинал баландлигини таъминлаш учун ташқи рампали 1220 — 1270 mm док баландлиги тавсия этилади;

(4) докга туташтирувчи қурилманинг минимал узунлиги темир йўл вагони ва док орасидаги талаб этиладиган минимал тирқиши бўйича белгиланади.

ШНҚ 2.09.03-23 «Омборхоналар.
Лойиҳалаш меъёрлари» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
6-ИЛОВА




1-расм. Юк машинаси докининг тархдаги ўлчамлари.



2-расм. Юк машинаси докининг күндаланг кесимиға мисол.




3-расм. Юк машиналари учун док майдончасынинг күндаланг кесим күриниши.




4-расм. Док дарвазасининг ўлчамлари.

ШНҚ 2.09.03-23 «Омборхоналар.
Лойиҳалаш меъёrlари» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
7-ИЛОВА



1-расм. Туташтирувчи қурилма схемаси.



2-расм. Юк машинаси доки учун соябон.

ШНҚ 2.09.03-23 «Омборхоналар.
Лойиҳалаш меъёрлари» шаҳарсозлиқ
нормалари ва қоидаларига
8-ИЛОВА

**Бинонинг ёнгин тоифасига мувофиқ унинг қаватлар сони, баландлиги ва майдонини
аниқлаш жадвали**

Омбор тоифаси	Бинонинг баландлиги *, (m)	Омборнинг оловбардошлилик даражаси	Бинонинг конструктив ёнгин хавфи бўйича синфи	Ёнгин бўлинмаси чегараларидаги қават майдони (m^2)		
				Бир қаватли	Икки қаватли	Кўп қаватли (уч ва ундан ортиқ қават)
1	2	3	4	5	6	7
А портлаш ва ёнгин хавфи	-	I, II	CO	5200	-	-
	-	III	CO	4400	-	-
	-	IV	CO	3600	-	-
	-	IV	C2, C3	75**	-	-
Б портлаш ва ёнгин хавфи	18	I, II	CO	7800	5200	3500
	-	III	CO	6500	-	-
	-	IV	CO	5200	-	-
	-	IV	C2, C3	75**	-	-
B1-B4 ёнгин хавфи	36	I, II	CO	10400	7800	5200
	24	III	CO	10400	2800	2600
	-	IV	CO, C1	7800	-	-
	-	IV	C2, C3	2600	-	-
	-	V	нормалаштирилмайди	2200	-	-
Д	чекланмаган			чекланмаган		
	36	I, II	CO	10400	7800	5200
	12	III	CO, C1	7800	2200	-
	-	IV	CO, C1	5200		
	9			2200		

* Бинонинг баландлиги 1-қават пол сатҳидан юкори қават шифти сатҳигача (техник қават ҳам кўшилади) хисобланади, шифт баландлиги ўзгарувчан бўлса, қаватнинг ўртacha баландлиги олинади.

Оловбардошлилик чегараси I, II ва III бўлган CO синфли бир қаватли биноларнинг баландлиги учун CO нормалаштирилмайди.

Оловбардошлилик чегараси IV бўлган CO ва C1 синфли бир қаватли биноларнинг баландлиги 25 m дан, C2 ва C2 синфли биноларнинг баландлиги 18 m дан кам бўлмаган кийматда (пол сатҳидан устундаги юк кўтарувчи конструкциялар томёпмасигача) қабул қилинади.

**Мобил бинолар.

Изоҳ: В ва B1-B4 тоифадаги хоналарнинг таг бўлинмаси учун кўрсаткичлар ШНҚ 2.01.19-22да келтирилган талаблар бўйича қабул қилинади.

Мазкур жадвалдаги құрсаткічлар материал ва моддалар иссиқ, чүгланған ёки әритилған иссиқ ҳолатда сақланадиган Г тоифадаги хоналарга татбиқ этилмайды.

ШНҚ 2.09.03-23 «Омборхоналар.
Лойиҳалаш меъёrlари» шаҳарсозлиқ
нормалари ва қоидаларига
9-ИЛОВА

Очиқ турдаги ёғоч материаллар омборларидан турли мақсадлардаги объектлар ҳамда бошқа омборларгача бўлган энг кичик масофалар

жойлашган) ёнфинга чидамлилик даражаси ва конструктив ёнгин хавфи синфлари:												
I, II, III ва CO	15	20	25	20 15	25 20	30 25	20	25	30	15	20	25
IV ва CO, C1	20	25	30	25 20	30 25	35 30	25	30	35	20	25	30
IV ва C2, C3	25	30	35	40	35 30	40 35	45 40	35	40	25	30	35
B, нормалаштирилмаган	30	35	40	35 30	40 35	45 40	35	40	45	30	35	40
9. 1000 В дан юқори бўлган кучланишли электр узатиш линиялари	Электр узатиш линиясининг камидаги бир ярим баландлиги											
10. Темир йўллар:												
умумий тармоқлар (ажратувчи йўлларгача) бекатлардаги тармоқлар	30	40	50	70 50	80 60	100 70	70	80	100	30	40	50
кичик бекатлар ва платформаларда	20	25	30	50 40	70 50	80 60	50	70	80	20	25	30
оралиқ йўллардаги хусусий линиялар (йўл ўқигача)	камидаги 10 m											
11. Кема тўхташ ва боғлаш жойи (кема тўхташ жойининг чизигигача):												
умумий фойдаланишдаги	30	40	50	50 40	75 60	100 80	50	75	100	30	40	50

кўшни корхонага тегишли бўлган хусусий	камида 20 мс											
12. Барча тоифадаги йўллар ва қўшни корхоналарнинг умумий тармоғидаги магистрал йўлларининг қатнов қисми чети												
12. Барча тоифадаги йўллар ва қўшни корхоналарнинг умумий тармоғидаги магистрал йўлларининг қатнов қисми чети												
12. Барча тоифадаги йўллар ва қўшни корхоналарнинг умумий тармоғидаги магистрал йўлларининг қатнов қисми чети												
12. Барча тоифадаги йўллар ва қўшни корхоналарнинг умумий тармоғидаги магистрал йўлларининг қатнов қисми чети	20	25	30	30 20	40 30	50 40	30	40	50	20	25	30
13. Ёнувчан суюқликлар омборлари (m^3):												
1000 дан 2000 гача	50	75	100	50 40	100 80	150 120	50	100	150	40	60	80
600 дан 1000 гача	40	60	80	60 40	80 50	120 70	60	80	120	35	40	50
300 дан 600 гача	30	40	50	50 30	60 40	80 60	50	60	80	30	35	45
300 гача	20	30	40	40 20	50 30	60 40	40	50	60	25	30	35
14. Очиқ турдаги қирқилган ва бўлакланган торф омборлари (t):												
10 000 гача	40	50	60	50 40	60 50	70 60	50	60	70	30	40	50
10 000 дан кўп	45	55	65	60 50	70 60	80 70	60	70	80	40	50	60
15. Очиқ турдаги тош кўмир омборлари (t):												
100 000 гача	30	40	50	50 45	60 50	70 60	50	60	70	35	45	55

100 000 дан ортиқ	40	50	60	50 45	60 50	70 60	50	60	70	35	45	55
16. Очиқ турдаги думалоқ ёғоч омборларининг (зич m^3)												
10000 гача	-	-	-	30 20	40 30	50 40	30	40	50	30	35	40
10 000 дан 500 000 гача	-	-	-	40 30	50 40	60 50	40	50	60	35	40	45
500 000 дан күп	-	-	-	50 40	60 50	70 60	50	60	70	40	45	50
17. Майда ёғоч катронланган ёғоч ва ўтин омборлари (зич m^3)												
10000 гача	30 20	40 30	50 40	-	-	-	40 30	50 40	60 50	20 15	30 20	40 25
10 000 дан 100 000 гача	40 30	50 40	60 50	-	-	-	50 40	60 50	70 60	30 20	45 25	50 30
100 000 дан күп	50 40	60 50	70 60	-	-	-	60 50	70 60	80 70	40 25	50 30	60 40
18. Очиқ турдаги пайраха ва қипиқ омборлари (зич m^3):												
10000 гача	30	40	50	40 30	50 40	60 50	40	50	60	20	30	40
10 000 дан 500 000 гача	40 30	50 40	60 50	50 40	60 50	70 60	50	60	70	30	45	50
500 000 дан күп	50 40	60 50	70 60	60 50	70 60	80 70	60	70	80	40	50	60

19. Очиқ турдаги пайраха ва қипик омборлари (зич m^3):												
10000 гача	30	40	50	40 30	50 40	60 50	40	50	60	-	-	-
10 000 дан 500000 гача	40	50	60	50 40	60 50	70 60	50	60	70	-	-	-
500 000 дан күп	50	60	70	60 50	70 60	80 70	60	70	80	-	-	-
20. Пўстлоқ ва ёғоч чиқиндилари	40	50	60	50 40	60 50	70 60	50	60	70	30	40	50
21 Тўсиқлар	15	15	15	20 20	20 20	20 20	15	15	15	15	15	15
22 . Магистрал кувурлар, босими 12 МРа (12 kgf/cm^2) дан юқори бўлмаган газ кувурлари, нефть ва нефть маҳсулотларининг кувурлари.	КМК 2.05.06-97 бўйича											

Изоҳ:

- Очиқ ва ёпиқ турдаги ёғоч омборларидан ёнувчан суюклик омборларига масофалар ҳисоблар ёрдамида аниқланади.
- Кўмир омборларидан очиқ ва ёпиқ турдаги ёғоч омборларигача бўлган масофалар 25 фоизга кўпайтирилиши керак.
- Иқлим зоналарини ҳисобга олган ҳолда масофаларни 10 — 15 фоизга ошириш мумкин.

ШНҚ 2.09.03-23 «Омборхоналар.
Лойиҳалаш меъёрлари» шаҳарсозлик
нормалари ва қоидаларига
10-ИЛОВА

Очиқ турдаги ёғоч материаллар омборларида битта ёнгинни ўчиришга кетадиган сув сарфлари

Ёғоч материалларни сақлаш тури ва усули	Очиқ турдаги ёғоч материаллар омборининг зич кубометрида, м ³ , ёнгин ўчиришга сув сарфи (l/s)			
	5000 гача	5000 дан ортиқ 50000 гача	50000 дан ортиқ 250000 гача	250000 дан ортиқ
Ёғоч-татта штабели: богланган оддий	КМҚ 2.04.02-19 бўйича; лекин омбор зич кубометри 5000 m ³ бўлса, камида 45 l/s	90 120	120 150	150 180
Думалоқ ёғоч материаллар штабели	«-»	90	120	150
Майда ёғоч, қатронланган ёғоч ва ўтин уюми	«-»	150	180	240
Пайрача ва қипик уюми	«-»	90	120	150
Пўстлар ва ёғоч чиқиндилари уюми	«-»	60	90	120